


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019



**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Үринов, Ш.Каримов

Бессель оператори қатнашган итерацияланган кўп ўлчовли Клейна-Гордона-Фок тенгламаси учун Коши масаласи аналогини ечиш 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Шухратов, И.Якубов

Толали материаллар тозалагичининг қайишқоқ таянчларга ўрнатилган колосниклар тебранишларининг таҳлили 13

Ж.Улугмуратов, И.Исматуллаев, И.Якубов, З.Исламов, Х.Бегалиев, Т.Кодиров

Туяқуш экзотик чарми олишда тери хомашёсига дастлабки ишлов беришни тадқиқ қилиш 20

КИМЁ

Б.Мажкамов, Д.Шахидова, Б.Орзикулов, Д.Гафурова

Мис (II) ионларининг сорбцияси учун комплекс ҳосил қилувчи полимер материалларни олиш 25

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ш.Хасанов, С.Сасмаков, Ж.Абдурахманов, О.Аширов, Ш.Азимова

Ҳашарот ҳужайраларини паст ҳароратли мұхитда узоқ муддат сақлашнинг оптималь шароитларини танлаш 29

А.Ахунов

Суғориш тарихи ва суғоришнинг ўзига хос омиллари 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

К.Тухтабеков

Ўзбекистонда илм-фан тараққиётининг тарихий илдизлари 36

Ў.Жўраев

Советлар даврида таълим тизимини мағкуралаштириш (1950-1980 йиллар) 40

Е. Гордеева

Калтаминон маданияти мағкураси тўғрисидаги масалага доир 43

И.Раҳимов

Тарихий ҳақиқат ва унинг жамият маънавий тараққиётига таъсири 47

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

А.Ўтамуродов, Б.Турсунов

Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи 50

Т.Алимардонов, А.Азимов

Ўтиш даврининг классик модели 54

Ф.Мирзаева

Ўрта Осиёда Нақшбандия-Мужаддиция тариқати ривожининг ўзига хос хусусиятлари 58

И.Тоирев

Жаҳон тамаддуни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари 61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров

Фирдавсий тақдири Ҳайнрих Ҳайне талқинида 66

Р.Тошниёзова

Маърифат ва талқин: шоҳид образининг онтологик асослари 70

М.Хамидов

Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида Машраб образи 75

А.Қаюмов

Уруш – миллий характер күшандаси 77

М.Эрназарова

Л.Н.Толстой ижодини ўрганишнинг инновацион технологиялари 81

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Искандарова, М.Омонов

Ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан “Бобурнома”даги изофий бирикмалар 85

УДК:10+328+321.8

ЎТИШ ДАВРИНИНГ КЛАССИК МОДЕЛИ
КЛАССИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ПЕРЕХОДНОГО ПЕРИОДА
CLASSIC MODEL OF TRANSITION PERIOD

Т.Алимардонов, А.Азимов

Аннотация

Мақолада жаҳон тажрибаси нуқтаи назаридан ўтиши даври, унинг устувор ўйналишлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари, ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий шароит-шароитлар атрофлича ёритилган.

Аннотация

В статье с точки зрения зарубежного опыта, на научно-практической основе анализируются приоритетные направления переходного периода. А также освещаются социально-политическая ситуация, особенности и условия каждого этапа переходного периода.

Annotation

The article analyzes priority branches of transition period using the foreign experience through the scientific-practical bases. The socio-political and spiritual condition, features and conditions of each stage of transition period have also been enlightened.

Таянч сўз ва иборалар: адолат, ислоҳот, инсонпарварлик, таълимот, урф-одат, демократия, демократик институтлар.

Ключевые слова и выражения: справедливость, реформа, человеколюбие, учение, обычаи, демократия, демократические институты.

Keywords and expressions: justice, reform, humanism, study, customs and traditions, democracy, democratic institutions.

Адолатли жамият асосларини яратиш, миллатни юксак мақсадлар сари йўналтириш, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ўта мураккаб ва зиддиятли ислоҳотларни қамраб оладиган жараёнлардир. Зоро, фуқароларнинг талаб-эҳтиёжлари, эркинлик ҳақидаги тасаввур-туйғулари ўсиб боргани сайин давлат ва жамият ҳақидаги қарашлари ҳам ўзгариб боради. Бундай талаблар давлатнинг адолатли, инсонпарвар сиёсати, изчил ва самарали бошқарув тизими, танлаган сиёсий воситалари, айниқса, ижтимоий реал талабларга ҳамоҳанг, миллий хусусиятларга мос, жамият қатламлари манфаатларини ўйғунлаштиручи таълимотнинг ишлаб чиқилганлиги билан амалда рўёбга оширилади.

Шундай экан, инсоният тарихида адолат ва ҳуррият сари етаклаган қандай концепциялар яратилди? Давлатларнинг юксалиши ва танazzул даврлари инсоният учун қандай тажриба ва сабоқларни берди? Демократик ғояларнинг хилма-хил ва ўзига хос хусусиятлари кишилик жамияти тарихида қандай натижаларга олиб келди?

Тарихдан маълумки, давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиш жараёнлари, бошқарув шакли ва тизими у ёки бу миллатнинг

маънавий салоҳияти, ижтимоий маданияти, урф-одатларга содиқлиги каби кўплаб умуминсоний қадриятлар ҳосиласидан иборат бўлади. Айнан ушбу омиллар миллатнинг ижтимоий ҳаёт эҳтиёжларини яратади, унинг ижтимоий қиёфасини белгилайди.

Мазкур қарашлар барча ҳалқлар ривожи учун умумий бўлган масаланинг назарий қонуниятларидан ҳисобланади. Аммо амалиётда ҳамма ҳалқлар бир маромда давлатчилик асосларини ривожлантиришга, мақсад-муддаоларини белгилаб, қадриятларига содик қолиб, ўз истиқболларига эришган эмас. Баъзида юксалишлар танazzул билан ҳам ниҳояланган, инқирозлар эса янги тараққиёт уфқларини очишга хизмат қилган. Ҳалқлар давлатчилиги тарихи ривожланиш диалектикаси, ҳар бир даврнинг ўтиш муаммолари негизида мураккаб эврилишлар билан янги асрга қадам кўяди.

Масалан, Л. Левитин ўтиш даврини шундай изоҳлайди: “Инсоният тарихида бундай даврлар озмунча юз бермаган. Улар ўзаро бир-биридан қанчалар салмоқли тафовутлар билан фарқ қилмасин, бироқ асосий маънолари битта – жамият иқтисодини, сиёсатини, унинг

Т.Алимардонов – ТАҚИ профессори, сиёсий фанлар доктори.
А.Азимов – ФарДУ талабаси.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

маданиятини замонавийлаштириш. Бундай замонавийлаштириш муайян якун топмагунгача, яъни, мамлакат барқарор иқтисодий ривожланиш, сиёсий барқарорлик, ижтимоий фаровонлик даражаларига эришгунгача бўлган давр “ўтиш даври” [1,53].

Дарҳақиқат, ўтиш даври икки йўналишда – иқтисодий ҳаётда ва сиёсий ҳокимиятда пировардида демократик жамиятга олиб борувчи туб ўзгаришларнинг содир бўлиши ва унинг базасида ижтимоий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда олиб бориладиган испоҳотларнинг бошланиши билан характерланади. Ўтиш даврининг тугаши эса демократик тамойилларнинг тўлалигича ҳаётий реалликка айланиши билан боғлиқ бўлади [2,226].

Албатта, бу борада ўзига хос баҳсли, мунозарапар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Бироқ, шунга қарамай, янги жамият асосларининг реал воқеликка айланиши ўтиш даври якунланиши мумкинлиги тўғрисидаги транзитология фани вакилларининг қарашларида умумийлик ҳам бор. Муаммо шундаки, ўзини демократик давлат деб, эълон қилган жамиятларнинг барчasi ҳам кўзланган мақсадларига эришаётгани йўқ. Шу боис унинг ибтидоси ва интиҳоси тўғрисидаги назарий қарашларда бир тўхтамга келиш қийин кечмоқда.

Тажрибалардан хulosса чиқариб айтиш мумкинки, ўтиш даври миллатнинг муайян ижтимоий даражадан янги сифат босқичига ўтишидаги оралиқ масофа, маънавий қадриятларни англаш, янгилаш жараёни, тараққиёт кафолатларини белгиловчи ҳамда таъминловчи маданий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий пойдевор яратилиши, вужудга келиши, шакланиши, ривожланиши, ишлаб чиқариш муносабатларининг тубдан ўзгариши ва барқарорлик демақдир. Ўтиш даври жамиятда демократик институтларни етакловчи куч сифатида қарор топиши билан якунланади ва барқарор истиқболга йўл очади. Зоро, ушбу ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатлар шаклланмас экан, ўтиш даври янги босқичга чиқа олмайди.

Мавжуд ижтимоий жараёнларни босиб ўтиш барча ҳалқларга хос, аммо ўтиш йўлларини танлаш ва амалга ошириш жамиятнинг алоҳида хусусиятлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам бу босқичда миллатнинг иродаси, маънавий эътиқоди, мақсад-муддаоси бош омил бўлиб хизмат қилади. Бундай омиллар заиф ҳалқлар ҳаётини

пароканда қилади, ўтиш даври зиддиятлари уларни ўз домига тортиб кетади. Шу жиҳатдан ҳам ҳалқлар ҳаёти ва давлатчилик тарихини ўрганиш, таҳлил қилиш, тажрибалардан сабоқ чиқариш, давлатчилик ва у билан боғлиқ сиёсий тизимлар мазмун-моҳиятини ўрганиш долзарбdir. Жумладан, ҳалқларнинг давлатчилик ривожида демократияга ўтиш муаммолари ижтимоий фанлар тармоғида бир неча босқичга бўлиб ўрганиб келинмоқда. Улар классик, революцион ва эволюцион моделларга доир таълимотлардир.

Ўтиш даври классик модели бугунги ривожланган давлатларнинг кўп йиллик тарихий тараққиётида кенроқ намоён бўлади. Классик моделнинг хусусияти жамиятнинг демократиялашувида анъанавийлик ва ворисийлик қадриятларига амал қилган ҳолда ташқи таъсиirlарсиз ривожланишдан иборатdir. Бунда ижтимоий тузум ва сиёсий ҳокимият босқичма-босқич, узоқ муддат мобайнида табиий трансформация қилиниши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, сиёсий маданиятнинг юксалиши, мулкчилик шаклларининг қарор топиши, кучли ўрта қатламнинг юзага келиши каби хусусиятлар билан характерланади. Яъни, жамият тараққиёти табиий қонуниятлар асосида такомиллашиб боради.

Жамиятда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий асослар демократик институтлар ривожининг муҳим пойдеворидир. Шунга мувофиқ равишда давлат органлари, жумладан, парламент фаолияти бир маромда шаклланган ва қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида ўз мавқенини мустаҳкамлаб келади. Энг муҳими, парламент жамиятдаги турли қатламлар ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи, улар ўртасида кучлар мувозанатини таъминловчи ва кафолатловчи ташкилотга айланади. Масалан, Норвегияда парламент 1814 йилда ташкил топган бўлса-да, фақат 1884 йилга келиб тўлиқ шаклланган. Швецияда 1809 йилда парламент ташкил топади ва 1866 йилга келиб реал сиёсий кучга айланади. Кўриб турганимиздек, мазкур давлатларда парламентдаги испоҳотлар тадрижий равишда ривожланган.

Классик моделнинг афзаллиги ва эътиборли жиҳати, унинг турли ижтимоий-сиёсий бўхронларга қарамай, тузум асосларининг изчиллигига, барқарор ривожланишидадир. Бунинг омили, миллий давлатчиликнинг таркибий негизлари чуқур ва яхлит маданият сифатида илдиз отгани билан

изоҳланади. Сиёсат ва сиёсий ҳокимият ўзариши мумкин, аммо жамиятнинг маданий қатлами ўзгармайди. Бунда мулкчилик ва унга эгалик туйғуси асрлар давомида миллат руҳиятини ифода этувчи маънавий қадриятга айлангани билан белгиланади. Ундан айрилиш миллатнинг ўзлигидан айрилиш билан баробардир. Бу мезонларнинг бузилиши жамият ҳаёти мувозанатининг издан чиқишига олиб келади. Шу боисдан жамият ўз фуқароларининг ижтимоий яхлитлигини сақлаб қолишдан манфаатдордирлар. Бундай қадриятларнинг уйғунлиги табиий равища демократиянинг шаклпанишига ва ривожланишига турткি беради.

Классик моделнинг яна бир муҳим жиҳати иқтисодий, сиёсий, маънавий рақобат муҳитининг мавжудлиги туфайли ижтимоий инқирозларни бартараф қилишида кўринади. Шу боис ўз-ўзини турғунлик аломатларидан сақлаш, яратувчанлик қонуниятига эгалик қилишда классик модель бир неча ривожланиш босқичдан ўтади. Яъни, унинг ижтимоий шакли ўзгаради, лекин мазмун-моҳияти ўзгармайди.

Революцион моделга доир таълимотда мавжуд ижтимоий тузум асосларини радикал ҳаракатлар воситасида ўрнатиш мақсади қўйилади. Бу босқичнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, сиёсий тизим асосларини ўзгартириш орқали қисқа муддатда янги ижтимоий сифат босқичига эришилади. Масалан, Шарқий Германиянинг Ғарбий Германияга бирлашиши натижасида қисқа фурсатда демократик тамойиллар жорий қилинди. Аммо, тарихдан маълумки, аграр муносабатлар негизида революцион ўзаришларга интилиш катта ижтимоий фожиалар билан якунланган. Капитализмнинг ижтимоий асослари бозор иқтисодиётига ўтиш имкониятларини яратади. Бундай шароитда мазкур жараёнлар бирмунча осон кечган. Социализм ғояларида эса, мулкчилик асослари инкор этиб келинган ва демократлашув жараёнлари социализм шароитида зид келади. Шу сабабдан Россия саноати ривожланган мамлакат бўлса-да, сиёсий жиҳатдан пароканда даврларни бошидан кечирган.

Эволюцион, яъни тадрижий босқичга доир ғояларни ортиқча ижтимоий ларзаларсиз, барқарорлик асосида, босқичма-босқич жамият ижтимоий имкониятларини ҳисобга олиш орқали демократик жамиятни шаклпанишига қаратилган таълимотни ўзида мужассам этган’[3,38]. Тадрижий босқичга хос хусусиятлар жамиятда амалга ошириладиган

ислоҳотлар кетма-кетлиги, мунтазамлилик, изчиллик, айни пайтда, уйғунлашув характерига эга. Бундай ёндашувга эҳтиёж жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий бўшлиқларни тўлдиришга, ташкил этишга, шаклпанишига, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга қаратилгани билан изоҳланади.

Бу таълимот XX аср бошларида ҳалқаро майдонда, жумладан, Лотин Америкаси, Африка, жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида юз берган озодлик ҳаракатларининг таназзули оқибатида ёхуд сабиқ иттифоқ республикаларининг тоталитар сиёсатдан демократияга ўтиш жараёнларида ўзаро Ихтилоф ва зиддиятлар туфайли юзага келган. Йигирманчи XX асрнинг 50 – 60-йилларида социализмни экспорт қилиш авжига чиқкан бўлса, 80-90 йилларга келиб демократияни экспорт қилиш анъанага айланди. Аммо иккала ҳолат ҳам миллатлар ҳаётини пароканда қилган, сиёсий анархия, ихтилофлар, иқтисодий инқирозларга олиб келди.

Эволюцион йўл жамиятнинг ижтимоий имкониятларини яратиш, мавжудларини ташкил этиш, юзага чиқариш билан амалга оширилади. Ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд бўлгани каби, фавқулодда ижтимоий ўзаришлар ҳам эволюцион ривожланишнинг моҳиятига зид келади. Мазкур таълимот ижтимоий қонуниятларнинг жамият имкониятларига мувофиқлаштирилгани, уйғун сиёсий ислоҳотлар белгилангани билан самарали натижалар беради. Иқтисодий ислоҳотларнинг бозор муносабатларига йўналтирилиши, инфратузилмаларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш, мулқдорлар қатламининг ўсиб бориши билан жамиятда инсон манфаатлари, қонун устуворлиги, ижтимоий ҳимоя ва адолат каби демократик қадриятлар таъминланади. Янги жамият асосига даҳлдор ижтимоий омиллар бири иккинчисини тўлдиришга хизмат қиласи. Мазкур омилларнинг аҳамиятини пасайтириш, инобатга олмаслик ёки систеъмол қилиш, шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилиш салбий оқибатларга олиб келади. Агар классик босқичда тузумнинг янгиланиб келаётган ижтимоий асослари негизида ривожланиб етилса, эволюцион ўзаришлар ижтимоий ҳаётни модернизация қилиш орқали ташкил этилади.

Дунё давлатларининг мавжуд сиёсий тарихини ўрганиш баъзи бир илмий, амалий

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

хуносалар чиқариш икониятини беради. Жумладан, ҳеч бир маъмурӣ тизим ва сиёсий тартиботлар демократик жамият ривожини кафолатламайди. Таҳдидлар доимо мавжуд бўлиб, эркинлик, ҳуррият, озодлик, тенглик ва тинчлик сингари қадриятларнинг барқарорлигини таъминлаш доимо долзарб бўлиб келган ва долзарб масала бўлиб қолади. Бу масала ўзини анлаган, тинчликни асраб-авайлашга қодир миллатлар қудрати билан изчил мустаҳкамланиб боради. Зеро, демократия – бу, инсоннинг маънавий олами, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган узоқ мuddатли ижтимоий жараён.

Тажрибадан маълумки, демократик тўлқинлар тоталитар ва авторитар тизимларнинг инқиrozи ёхуд зимдан емирилиши оқибатида вужудга келадиган жараён. Тоталитаризм таъсирларининг сусайиши эса, жамият ижтимоий муносабатларининг эркинлашувига ва у орқали демократик жараёнлар ривожига замин яратмоқда.

Ҳар қандай тизим ривожи инсон омили ва унинг салоҳияти ифодасидир. Агар у заиф бўлса, энг яхши тизим ҳам ижобий натижага бермайди. Аммо фуқароларнинг сиёсий онги ва

фаоллиги ўз-ӯзидан юксалмайди. Бу, ўз навбатида, жамиятда изчил ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг самарали фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш, шу орқали фуқароларни ҳокимиётни бошқаришга жалб этиш, энг муҳими, жамиятда адолат, қонун ва тартиблар устуворлигини таъминлашнинг тизими мурватларини жорий этишни тақозо этади. Демак, демократик жамиятта ўтиш – бу, нафақат сиёсий-иқтисодий босқичлар, балки, шу билан бирга жамият аъзоларининг маданияти, мақсад ва маслаклари муштараклиги ҳамdir.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётини ўзгартириш, ижтимоий-сиёсий институтларни инсон манбаатларига хизмат қилдириш каби эзгу мақсад йўлида янги тараққиёт стратегиясини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш ва шу асосда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, энг муҳими, одамларнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириб, бу жараёнга уларни бунёдкор куч сифатида фаол жалб этиш талаб қилинишини тадрижий ривожланиш йўлимиз тасдиқлаб келмоқда.

Адабиётлар:

1. Левитин Л., Д.Карлайл . Испом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. -Вена/Австрия, “Agrotec”. 1996 й.
2. Отамуратов С.. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Т.: “Akademiya”, 2005.
3. Назаров Қ, Фалсафа асослари. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).